

## **Вилоят ҳокимлиги ҳақида умумий маълумот**

Ўзбекистон Республикасида Давлат бошқаруви уч турдаги ҳокимиятлар томонидан ташкил этилади. Булар Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларидан иборат. Қонун чиқарувчи ҳокимият - Олий Мажлис бўлиб, у қуйи ва юқори палатадан ташкил топган. Қуйи, яъни "Қонунчилик палатаси" 120 нафар доимий равишда фаолият кўрсатувчи депутатлардан иборат бўлиб, асосан қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Юқори палата эса "Сенат" дейилади ва у 100 нафар сенаторлардан шаклланади. Сенаторлар ўзларининг асосий хизмат вазифаларидан ажралмаган ҳолда вақти-вақти билан йиғилиб турадилар ва Қонунчилик палатаси томонидан яратилган янги қонун ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қабул қиладилар.

Ижро ҳокимиятига Вазирлар Маҳкамаси бошчилигида вазирликлар, идоралар, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари киради. Ижро ҳокимияти бир сўз билан айтганда жойларда қонунларнинг ижросини таъминлаш вазифасини бажаради. Суд ҳокимиятига Республика Олий суди бошчилигида турли соҳалардаги барча судлар киради. Судлар ижро ҳокимияти ҳамда фуқаролар томонидан қонунларнинг бузилишига йўл қўймасликни таъминлайди.

Вилоят ҳокимлиги вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ҳудудларда Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳамда вилоят ҳокимининг қарор ва фармойишлари, баённомалари, топшириқлари ижросини таъминлайди.

Вилоят ҳокимлиги ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгаши олдида ҳисоб беради. Вилоят ҳокимлиги ваколатларининг амалга оширилиши вилоят ҳокими, ҳоким ўринбосарлари, маҳаллий давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, вилоят ҳокимлигининг доимий, муваққат комиссиялари, тегишли қарорлар билан ташкил этилган бошқа ишчи органларнинг ҳамда вилоят ҳокимлиги аппаратининг ташкилий-амалий иши билан таъминланади.

Вилоят ҳокимлиги фаолияти вилоят ҳокими томонидан ташкил этилади. Вилоят ҳокими қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида ҳудуддаги барча органлар, корхоналар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар чиқаради. Вилоят ҳокимининг меъёрий тусдаги ёки муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари қарор шаклида қабул қилинади. Вилоят ҳокимининг тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича ҳужжатлари фармойиш шаклида қабул қилинади. Вилоят ҳокимлиги аппарати ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 март 140-сонли қарори билан тасдиқланган "Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси вилоятлари, шаҳарлари ва туманлари ҳокимликлари аппаратларида иш юритиш ва ҳужжатлар ижросини назорат қилишни ташкил этиш бўйича йўриқнома" ҳамда вилоят ҳокимлигининг регламентига амал қиладди. Фуқароларнинг тақлифлари, аризалари ва шикоятлари бўйича иш юритиш "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида амалга оширилади.

### **Ташкилий тузилмаси**

Вилоят ҳокимлиги аппаратида жами 53 киши фаолият кўрсатади. Булар вилоят ҳокими, ҳокимнинг беш йўналиш бўйича ўринбосарлари, уларнинг беш нафар мутахассисдан иборат котибиятлари, ахборот-таҳлил гуруҳи, ташкилий-назорат гуруҳи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш


органлари фаолияти, харбий сафарбарлик ва фавқулдда вазиятлар масалалари бўйича гуруҳ, умумий бўлим ва ишлар бошқармасидан иборат.

Бўлинмалар фаолияти уларнинг раҳбарлари томонидан вилоят ҳокимининг қарори билан тасдиқланган Низомлар асосида ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги  
ПҚ-2691-сонли қарори билан тасдиқланган

Самарқанд вилояти ҳокимлиги бошқаруви аппарати тузилмаси

Вилоят ҳокимининг 2016 йил 26 декабрдаги  
328-Қ-сонли қарорига 1-илова



### Вилоят ҳокимлиги аппарати:

- соҳалар ва ҳудудларда ўтказилаётган ислохотларни чуқурлаштириш юзасидан ишлаб чиқилган мақсадли дастурларнинг амалда бажарилишини таъминлайди;

- ҳокимлик муҳокамасига киритилаётган ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган муддатда ишлаб чиқилишини ташкил қилади. Юқори ташкилотлар ҳамда ҳоким қарор ва фармойишларининг маҳаллий бошқарув органлари ҳамда идоралари томонидан ўз вақтида бажарилишини таъминлайди ва назоратини ташкил қилади;

- бўлим, гуруҳ ва котибият ваколатига тааллуқли масалалар бўйича таҳлилий ҳужжатларни тайёрлайди ва ҳокимликка тушган ахборот, таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштиради.

Вилоят ҳокимлиги аппарати бўлинмалари фаолиятига вилоят ҳокими ва ҳоким ўринбосарлари раҳбарлик қилади. Уларнинг ички аппарат ва ҳужжатлар билан ишлаш борасидаги фаолияти ташкилий-назорат гуруҳи томонидан мувофиқлаштириб борилади.

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш Вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрдаги [Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва](#)

[юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида](#)”ги Қонун талаблари, Республика Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамаси кўрсатмалари асосида фуқароларнинг мурожаатлари, ариза ва шикоятларини кўриб чиқилишини ташкил этиш ва бажариш учун масъул умумий бўлим ҳисобланади.

Вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарлари номига келган барча ариза, шикоят ва бошқа мурожаатлар қабул қилинади, рўйхатдан ўтказилади. Уларни ҳоким ва унинг биринчи ўринбосари, зарур ҳолда тегишли ўринбосарлар томонидан кўриб чиқилиши учун иш қоғозлари тўлдириб умумий бўлим мудири орқали тақдим қилинади. Раҳбарлар кўрсатмасига мувофиқ фуқароларни таклифлари, ариза ва шикоятларини ижрочиларга етказилиши таъминланади. Белгиланган тартибга мувофиқ юқори идоралардан ва вилоят ҳокимлигига фуқаролардан келган мурожаатлар қабул қилиб олинади, мазмунига қараб вилоят ҳокими топшириғи лойиҳасини тайёрланади ва шахсан вилоят ҳокими кўриб чиқиши учун тақдим этилади, ҳоким ўринбосарлари номига келган ёзма мурожаатлар ҳам шу тартибда расмийлаштирилади, ижрочилар томонидан ўз вақтида бажарилишини таъминлаш чоралари кўрилиши назоратга олинади.

Вилоят ҳокими фармойиши билан тасдиқланган жадвал асосида вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарлари томонидан ҳар куни эрталаб соат 9.00 дан 13.00 гача фуқаролар қабули ташкил қилинади. Соат 14.00 дан 18.00 гача бўлган даврда фуқароларни шу кунги масъул бўлган ҳоким ўринбосарларининг тегишли гуруҳ ва котибиятлари раҳбарлари томонидан қабул қилинади.

Вилоят ҳокими қабулига ёзилган фуқароларни ариза, шикоятларида қўйилган талабни жойларда қаноатлантирилмаганлиги сабаблари ҳақида маълумотлар тўпланиб, рўйхат умумий бўлим мудири орқали вилоят ҳокимига тақдим қилинади.

Фуқаролар қабули якунлари бўйича фуқароларнинг талаб ва таклифларини қабулни ўтказган раҳбар томонидан берилган аниқ топшириқ ва кўрсатмаларини Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун ҳамда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида"ги 140-сонли қарори асосида расмийлаштирилади ва назорат варақаларида рўйхатдан ўтказилиб, ижрочиларга етказилади.

Фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини ҳар ой якуни бўйича мазмунан ва ҳудудий жиҳатдан таҳлил қилиб борилади, ойлик, ярим йиллик ва йиллик ҳисоботларни тузилади. Ариза ва шикоятларни келтириб чиқараётган сабаб ва омилларни умумлаштириб, ўрганиб раҳбарларга тақдим қилади.

Вилоят ҳокимлигида фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилгандан сўнг, якуний ҳулоса ҳақида аризачига ёзма равишда жавоб хати бериб борилади.

Вилоят ҳокимлигининг гуруҳ ва котибиятларида, шаҳар ва туман ҳокимликларида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича амалий услубий ёрдамлар берилади ва уларнинг фаолиятларини назорат қилиб борилади.

Ўзбекистон Республика Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамасидан келган чоракли тахлилий маълумотлар ва ариза шикоятларни ижросини таъминлаш бўйича берилган кўрсатмалар, шаҳар, туман ҳокимликларига ва корхона, ташкилот ва муассасаларга юборилиб, ижроси назоратга олинади.